

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



ННТ учун «яшил чироқ»

Президентнинг 4.05.2018 йилдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони имзоланди.

1 июндан бошлаб нодавлат нотижорат ташкилотларининг ишлаш қоидалари анча соддалаштирилади.

Биринчидан, рўйхатдан ўтказувчи орган билан тадбирларни келишиш ўрнига режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби жорий этилади. Ҳозир «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»-ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ ННТ адлия органлари билан тадбирлар ўтказишни келишиб олиши шарт, бунда келишишнинг махсус тартиби амал қилади.

Иккинчидан, ННТнинг ҳисобварақларига чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топширигига биноан бошқа шахслардан уларнинг уставларида (низомларида) назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланилади.

Учинчидан, ННТ учун ажратилган грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг мамлакатдаги исталган банк муассасаларида очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушади. Бугун бунинг учун фақат Асака банки ва ТИФ МБда махсус ҳисобварақлар очиб талаб этилади (ВМнинг 4.02.2004 йилдаги 56-сон қарори).

Тўртинчидан, меҳнатга ҳақ тўлаш фондиди тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган келиб тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15%дан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади. Яъни у микрофирмалар ва кичик корхоналар

учун ставкага тенглаштирилди (29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарорга 23-илова).

Бешинчидан, жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, вазийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 30%идан ошмаслиги керак. Ҳозир бу кўрсаткич 20%ни ташкил этади («Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси).

Олтинчидан, ННТнинг пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўланади.

Истиқболдаги ўзгартиришлар

Адлия вазирлигига 2 ой муддатда ННТ фаолиятини мониторинг қилиш ва ўрганиш турлари, муддатлари, даврийлиги ва бошқа тартиб-таомилларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқиш топширилди. Унда уларни ўтказиш турлари, муддатлари, даврийлиги ва бошқа таомиллари белгиланади. У Нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбирларини келишиш тартиби тўғрисидаги низоми (4.06.2015 йилда 2679-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ўрнини босадиган қўринади.

Шунингдек адлия вазирининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (26.12.2016 йилда 2852-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва 1-ННТ (йиллик) шакли ўрнига



рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари ҳамда уни тақдим этиш тартиби соддалаштирилади.

Бундан ташқари, 1.01.2019 йилгача қуйидагилар бўйича электрон тизим жорий этилади:

- ННТларни ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш;
- ННТларнинг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш;
- ННТларнинг ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботлари;
- ННТлар томонидан чет давлатлардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишиш.

Давлат кўмаги

Президент ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди. У бевосита давлат раҳбари томонидан мувофиқлаштирилган ҳолда фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан шуғулланади.

Нукус шаҳри, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари» ташкил этилади. Уларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган ННТлар ижара тўловининг «ноль» ставкасини қўллаган ҳолда жойлаштирилади.

Ҳужжатда соҳани ривожлантиришга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилган.

Ҳужжат «Халқ сўзи» газетасининг 4.05.2018 йилдаги 90 (7048)-сонидан чоп этилган.

Чарм-пойабзал соҳаси:

имтиёзлар ва маҳсулотни олиб чиқиш хусусиятлари

Президентнинг «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (3.05.2018 йилдаги ПҚ-3693-сон) қабул қилинди.

1. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси ҳуқуқий ворислик шарти билан «Ўзчармсановат» уюшмаси (бундан кейин — Уюшма) этиб қайта ташкил этилди. Унинг таркибига чарм, мўйна хом ашёси ва жун тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш, жун, қорақул ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, поябзал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар, шунингдек, бошқа ташкилотлар ихтиёрий равишда қиради.

Уюшма томонидан «Ўзчармимпэкс» УК ташкил этилди, у чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қорақул маҳсулотлари ва жундан ишланган маҳсулотларни экспорт қилиш, тармоқ ташкилотларига технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутлов-

чи буюмлар, хом ашё ва бошқа буюмлар етказишда қўмаклашади.

2. 2018 йил 1 июндан йирик ва майда шохли моллар, тери, мўйна, қорақул хом ашёси ва жунни юридик шахсларга сотишда ЖШДС бўйича имтиёзларни қўллаш учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш бўйича талаб бекор қилинади.

3. 2018 йил 1 августдан:

➢ мамлакатимизнинг божхона чегараси орқали чармни (ТИФ ТН бўйича 4104-4107, 4112 00 000 0 – 4114 кодлари) олиб чиқишга рухсатнома бериш Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги томонидан Давлат божхона кўмитаси ва Уюшма билан келишилган ҳолда нарх экспертизаси ва ла-



боратория текширувларини ўтказган ҳолда амалга оширилади;

➢ чармни лаборатория текширувларидан ўтказиш ЛБМА қошидаги Аккредитация маркази томонидан аккредитация қилинган органлар томонидан амалга оширилади;

➢ ярим тайёр чармни (ТИФ ТН бўйича 4104, 4105, 41062 кодлари) олиб чиқишга рухсатнома бериш учун экспорт қилинадиган маҳсулот қийматининг 5%и миқдорида йғим ундирилади.

2-бетда

Чарм-пойабзал соҳаси: имтиёзлар ва маҳсулотни олиб чиқиш хусусиятлари

1-бетда Чармни олиб чиқишга рухсатнома бериш, шунингдек нарх экспертизаси ва лаборатория текширувлари ўтказиш тартиби кейинроқ тасдиқланади.

4. «Ўзчармисаноат» уюшмасининг чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Уни шакллантириш манбалари ва маблағларидан фойдаланиш йўналишлари белгиланди.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ЯСТ, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни ҳисоблашда юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган базаси Жамғармага киритилган ихтиёрий ажратмалар миқдорига камайтирилади.

5. 1.01.2023 йилга қадар Уюшма аъзолари – ташкилотлар, шунингдек «Ўзчармимпэкс» УК қўйидагиларни тўлашдан озод этилади:

➤ фойда солиғи ва мол-мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар;

➤ тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, улар томонидан ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, ма-

териаллар ва фурнитура учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари). Рўйхатларга киритилмаган позициялар бўйича божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлаш 60 кунга қадар муддатга кечиктирилади.

Бунда кўрсатилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар фақат қўйидагиларга нисбатан қўлланилади:

➤ замонавий автоматлаштирилган мажмуалар билан жиҳозланган чорва молларини сўйиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларга;

➤ чарм, мўйна, қорақўл хом ашёси ва жунни йиғиш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга, кейинчалик ушбу хом ашё қайта ишлаш (ишлатиш) учун фақат Уюшмага аъзолари – ташкилотларга сотилганида ҳамда ялпи тушумнинг умумий ҳажмида ушбу турдаги фаолиятдан тушган тушумнинг улуши ҳисобот даври натижалари бўйича камида 80%ни ташкил қилганда;

➤ чарм, мўйна, қорақўл хом ашёси ва жунни қайта ишлаш, шунингдек, бутловчи буюмлар, фурнитура, сунъий чарм, чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қорақўл маҳсулотлари ва жундан ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширадиган ташкилотларга, агар ялпи тушумнинг умумий

ҳажмида ушбу турдаги фаолиятдан тушган тушумнинг улуши ҳисобот даври натижалари бўйича камида 60%ни ташкил қилса.

Солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллаш тартиби бир ой муддатда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

6. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти тузилмасида Чарм-пойабзал соҳаси муҳандис-техник ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув маркази ташкил этилади.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб эса институтнинг ўзида «Чарм ва мўйнадан ишланган маҳсулотлар технологияси ва уларни яратиш», «Технологиялар ва ускуналар: чарм ва мўйна, қорақўл», «Технологиялар ва ускуналар: пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари» таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Худудларда ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ташкил қилинади. Бунинг учун чарм-пойабзал, мўйначилик, қорақўлчилик тармоқлари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича мавжуд айрим касб-хунар коллежлари қайта ихтисослаштирилади ва янги йўналишлар очилади.

Ўқувчилар Уюшма аъзолари – тегишли ташкилотларда ўқув амалиёти ва мажбурий стажировкани ўтаб, ўқиш мобайнида олинган амалий ва назарий билимларини мустаҳкамлайдилар.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.05.2018 йилдан кучга кирди.

Муқобил энергияга \$1,3 млрд инвестиция қилинади

Президентнинг 28.04.2018 йилдаги ПҚ–3687-сон қарори билан қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари қабул қилинди.

«SkyPower Global» компанияси мамлакатимизда умумий қуввати 1 000 МВт ўзгарувчан тоқли фотозлектрик қуёш энергияси ишлаб чиқувчи объектлар барпо этиш учун 1,3 млрд АҚШ доллариллик инвестиция киритади. Лойиҳани амалга ошириш учун Тошкент, Самарқанд, Навоий, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ер участкалари ажратилади.

Компания етказиб берган электр энергияси ҳақи тўланиши кафолатланади: «Ўзбекэнерго» АЖ тўловга қобил бўлмаган тақдирда Давлат бюджетидан маблағлар ажратилади. Молия вазирлиги тегишли кафолат тақдим этади.

Бундан ташқари, хорижий инвестор, унинг лойиҳа ташкилотлари (тегишли минтақадаги шуъба корхоналари) ва лойиҳага жалб этиладиган ёрдамчи пудратчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари тақдим этилди. Хусусан, қўйидагиларни тўлашдан озод қилинди:

➤ тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича лойиҳани амалга ошириш доирасида Ўзбекистонда ишлаб

чиқарилмайдиган янги асбоб-ускуна ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва узеллар, технологик хужжатлар, махсус техника ва транспорт воситалари, дастурий маҳсулотларни олиб киришда божхона тўловлари (божхона йиғимлари бундан мустасно);

➤ доимий муассаса орқали ва тўлов манбаида олинadиган даромадлар (шу жумладан дивидендлар) бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи;

➤ қўшилган қиймат солиғи, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар ва тўловлар – компания, унинг лойиҳа ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари сотадиган товарларга (ишларга, хизматларга);

➤ фотозлектрик қуёш энергияси ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуна ва қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, шунингдек асбоб-ускуна ва қурилмалар эгал-



лаган ер участкаларига ер солиғи – компания ва унинг лойиҳа ташкилотлари.

Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларнинг кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан расмийлаштирилади. Қўп марталик визаларни, шунингдек вақтинча пропискани расмийлаштириш, бериш ва узайтириш, бўлиш жойида ҳисобга олиш ва уларни узайтириш учун давлат божини тўлашларига тўғри келмайди.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.04.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, Олег Заманов, «Norma» МЧЖ экспертлари.

Реклама ва эълон

«СОЛИКЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Таълимаржон кўч., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz; web: www.norma.uz



ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59 телефони орқали

(шаҳарлараро кўнрақлар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб беришлари мумкин. Хафтанинг 5 куни давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.



УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-2-бетлар

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– Уй-жой инспекцияси ёрдамга келади
– Вазир ўринбосарига учта савол

– Яқин орада мини-бадаллар жорий этилади

– Ер участкалари ширкатларга қайтарилади
– Лицензия бозорига «кириш чиптаси» сифатида

– 23 та «нима учун» ёки эскича фикрлашга барҳам бериш вақти келди

– Сув ҳисоблагичлари уй эгалари манияциясидан ҳимояланади
3-6-бетлар

• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Ким ҳимоя қилади
– Фуқаролиги бўлмаган шахсни ишга жойлаштириш

– Кечки овқатсиз концерт

7-бет

• УЎХ ТАРИФЛАРИ

– Бюджетдагилар учун электр ҳақи
– Бюро электр ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ҳар ой олишни режалаштирмоқда
8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



МУНДАРИЖА:

- ✓ Уй-жой инспекцияси ёрдамга келади
- ✓ Вазир ўринбосарига учта савол
- ✓ Яқин орада мини-бадаллар жорий этилади
- ✓ Ер участкалари ширкатларга қайтарилади

- ✓ Лицензия бозорга «кириш чиптаси» сифатида
- ✓ 23 та «нима учун» ёки эскича фикрлашга барҳам бериш вақти келди
- ✓ Сув ҳисоблагичлари уй эгалари манипуляциясидан ҳимояланади



Долзарб мавзу

Уй-жой инспекцияси ёрдамга келади

Яқинда фуқароларда турар жойларни сақлаш ва улардан фойдаланишдаги турли қонунбузарликлар устидан Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига (бундан кейин – *Инспекция, Уй-жой фонди инспекцияси*) шикоят қилиш имконияти юзага келди. У Президентнинг 18.04.2017 йилдаги ПФ-5017-сон Фармонида мувофиқ Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган эди. Инспекция кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни сақлаш соҳаси устидан давлат назоратини амалга оширувчи, ушбу соҳада фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояланишини таъминловчи ваколатли орган бўлди. У УКХ вазирлигининг бўлинмаси ҳисобланади, унга ҳисобот беради ва унинг бўлинмалари билан ҳамкорликда ишлайди. ПФ-5017-сон Фармон, Президентнинг 18.04.2017 йилдаги ПҚ-2900-сон қарори ҳамда ВМнинг 2.06.2017 йилдаги 340-сон қарори Инспекция фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжатлар ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи ҳудудий инспекциялар назорат органи таркибига киради. Унинг ташкил этилиши, УКХ вазирлиги ташкил этилиши қатори, мамлакатимизда УКХ соҳасида ўтказилаётган ислохот орқали кўлга киритилган ютуқлардан бири бўлди. Инспекция зиммасига жуда кенг доирадаги вазифа ва ваколатлар юклатилган. Уй-жой фонди инспекцияси бош юрисконсулти Дониёр Раҳимов кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолати устидан назорат иши қандай олиб борилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилади.



*Тахририят ихтилофи вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Назорат иши

– **Дониёр Бахтиёровиш, Инспекция ташкил этиш, кўп хонадонли уй-жойлар сақланиши устидан назоратни кучайтириш заруратини нималар таъқозо этди?**

– Бизда уй-жой фонди сақланиши учун давлат масъул. Аҳоли учун қулай яшаш шароитини яратиш ижтимоий сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда 33 мингдан ортиқ кўп хонадонли уйлар (КХУ) бор. Уларнинг аксарияти 1960 йлдан 1991 йилгача қурилган бўлиб, қўйилмаларни, белгиланган нормалар, қоидалар ва стандартларга мувофиқ таъмирлаш, техник жиҳатдан лозим даражада сақлаш ва тегишлича фойдаланишни талаб этади.

Кўп хонадонли уй-жой фондиди лозим даражада сақлаш учун Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига (ВМнинг 28.06.1994 йилдаги 325-сон қарорига 3-илова) риоя этилиши, КХУ режаси ўзбошимчалик билан ўзгартрилишига йўл қўймаслик, кўп хонадонли уй-жойлар мулкдорларининг капиит таъмирлаш учун жамғариладиган маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва бошқалар устидан мунтазам назорат қилувчи давлат органига зарурат бор эди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизими бошқарувини такомиллаштиришга йўналтирилган қатъий чоралар сирасида Уй-жой инспекциясини ташкил этиш ҳам бўлиб, у ўз вақтида иш бошлади.

Турар ва нотурар жойлар мулкдорлари умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари ҳолати устидан назорат қилиш вазифаси бир қатор идоралар зиммасига ваколатлари доирасига қараб юклатилган. Масалан, санитария ҳолатини – СЭС, лифтларнинг сақланишини – Котлован назорати, турар ва нотурар жойлар режаси ўзгартрилиши, ноқонуний иморатлар қурилишини – Бош АЛБ, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси органлари назорат қилади ва ҳоказо. Бироқ бунда тизимли ёндашув йўқ эди. Тузилмаларнинг тарқоқлиги уй-жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилиши устидан лозим даражада назорат ўрнатиш, уларни бузувчиларга нисбатан қандай чоралар қўрилайётганлигини кузатиш имконини бермас эди. Умуман КХУ сақланиши устидан ягона давлат назоратини белгилөөчи, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатларига риоя этмаганлик учун жавобгарлигини оширувчи органи ташкил этиш зарурати юзга келди. Уй-жой фонди инспекцияси ана шундай орган бўлди.

Турли уй-жой коммунал муаммоларга тўқнаш келган мулкдорларга кўпинча ҳуқуқий билим етишмади. Шу сабабли уларнинг саъй-ҳаракатлари натижа бермади. Энди КХУдан фойдаланишда белгиланган норма ва қоидаларга риоя этиш уларга боғлиқ бўлган тузилмалар билан ҳамкорлик қилувчи назорат органи уларга ёрдамга келади. Бироқ бунинг бир шarti бор. Аввал уй аҳлининг ўзи

нималаргадир ҳаракат қилиб кўришлари керак. Масалани ҳал қилишнинг уддасидан чиқа олмасалар, Инспекцияга мурожаат қилишлари мумкин.

Алло, Инспекция?

– **Кўп хонадонли уй-жой фондининг ҳолати қандай назорат қилинади?**

– Асосан бу фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва тасдиқланган ишлар режасига мувофиқ кўп хонадонли уйлар, туташ ҳудудларнинг техник ҳолатини ўрганишдан иборат. Ҳар куни Инспекцияга КХУни сақлашга доир турли масалалар юзасидан 30 дан ортиқ мурожаат қилиб тушади. Булар ишонч телефони орқали қўнғироқлар, фуқароларни қабул қилиш пайтида келиб тушувчи ёзма мурожаатлар (аризалар, шикоятлар, таклифлар); жавоб беришимиз учун бошқа тузилмалардан жўнатиладиган мурожаатлардир. Уй-жой соҳасидаги барча муаммоларни кўрсатувчи катта иш. Кўпинча фуқаролар томдан чакка ўтаётгани, ертупаларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, алмаштиришни талаб қилувчи муҳандислик компаниялари, хоналар яхши исимаслиги, қаровсиз йўлаклар ва уй атрофидаги ҳудудлар, турар жойдаги хоналар режалари ноқонуний ўзгартрилиши ва бошқалардан шикоят қиладилар. Кўп учрайдиган, ҳал этишни талаб этадиган муаммолар, 2017 йил августдан 2018 йил апрелгача бўлган даврда Уй-жой фонди инспекциясига барча каналлар орқали республика фуқароларидан 700 дан ортиқ мурожаат келиб тушди.

– **Инспекцияга қандай ваколатлар берилган?**

– Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда, кўп хонадонли уйларнинг техник ҳолатини режалар мониторинг қилишда ҳар қандай зарур ахборотни сўрашга, ўрганилаётган масалага тааллуқли ҳужжатларнинг асл нусхалари билан танишишга ҳақлимиз. Инспекция носозликлар бартараф этилгунча одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи носоз техник жиҳозлардан фойдаланишни тақиқлаш ваколатига эга. У Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилишини бартараф этиш учун ХУМШ, мулкдорларга ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларига эса – аҳолига хизмат кўрсатишда техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш бўйича.

Бу ХУМШ, уй-жой фондининг техник ҳолати учун масъул бошқа тузилмаларнинг ишига аралашиб ҳисобланмайди. Қуйидагича ёндашиш лозим: кўп хонадонли фонди сақлаш бўйича қонунчиликда белгиланган талаблар мавжуд. Уларга барча: уй-жой мулкдорларидан тортиб ХУМШ, бошқарувчи компаниялар, назорат ташкилотлари, коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва бошқаларгача сўзсиз риоя этишлари шарт.

Қоидабузарларга кўрсатмалар берилади

– Инспекция фуқароларнинг мурожаатларига қандай муносабат билдиради?

– Инспекциянинг 235-31-00 ишонч телефони орқали келиб тушган муайян саволлар бўйича арз қилувчига дарҳол тушунтириш берилади. Мурожаат жойига чиқиб ўрганишни талаб этганда ишчи гуруҳ тузиш ҳақида буйруқ чиқарилади. Мониторинг ўтказишда ҳам худди шундай қилинади. Буйруқда арз қилувчининг (ёки ўрганиладиган объектнинг) манзили, муаммо, ўрганиш мuddати, ишчи гуруҳ таркиби ва бошқалар кўрсатилади. Турар ва нотурар жойлар режаси ўзбошимчи билан ўзгартирилиши, ноқонуний қурилиш, коммунал хизматлар сифати параметрларига риоя этмаслик, бошқа қоидабузарликлар ҳақида сўз бораётган бўлса, ишчи гуруҳ таркибига бошқа тузилмалар; коммунал хизматларни етказиб берувчи корхоналар, СЭС, Бош АЛБ, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ва бошқалардан вакиллар киритилиши мумкин. Умумий мол-мулкни сақлаш тартиби, муҳандислик тузилмаларидан, лифтлардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари ва техник регламентлари бузилгани аниқланганда Инспекция ходимлари далолатномалар тузиб, 15 кун ичида қоидабузарликларни бартараф этиш талаб қилинган кўрсатмалар берадилар.

– Кўрсатмалар бажарилмаганда қандай ҳаракат қиласиз?

– Бундай ҳолларда кўрсатма талабларини мажбурий ижро этиш, жисмоний ёки юридик шахс фаолиятини қисман ёки тўлиқ тўхтатиб туриш ёхуд тақиқлаш тўғрисида даъво аризалари беришга ҳақлимиз. Инспекция маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича баённомалар тузиш ваколатига ҳам эга. Мурожаатни ўрганиш ёки мониторинг ўтказиш жараёнида жиноят аломатлари аниқланса, материаллар прокуратурага берилади. 8 ойда (2017 йил августдан 2018 йил апрелгача) КХУ ҳолатини ўрганиш натижаларига кўра 854 та ҳолатда Инспекция ходимлари қоидабузарликлар тўғрисидаги материалларни жарима ундириш учун маъмурий судга топширдилар. Уларнинг 549 таси бўйича ижобий қарорлар чиқарилди. 38 та далил бўйича материаллар прокуратурага берилди.

– Фуқаролар ХУМШ қониқарсиз ишлаши натижа-сида кўп хонадонли уйлардаги умумий мол-мулкнинг ҳолати лозим даражада эмаслигидан кўп шикоят қилдилар. Уй аҳли нималардан шикоят қилади?

– Ҳа, бундай мурожаатлар асосли. Бунда бир нечта асосий сабабини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар ХУМШ раҳбарларининг малакасизлиги, ширкат аъзоларининг ҳуқуқий саводсизлиги, ўз уйларини яхшилашга лоқайд муносабати, тўловларни тўламасликдир. Раҳбарлар

ишлар режаси, сметани тўғри тузиб, харажатларга мос мажбурий бадаллари миқдорини ҳисоблай олмайдилар, бунга мулкдорларга тўғри етказиш билмайдилар. Ширкат аъзолари унинг ишлари билан танишмайдилар, йиғилишларга бормайдилар, ишлар бажарилишини талаб қиладилар, бироқ бунинг учун ойлик мажбурий бадаллар миқдори оширилишини истамайдилар ёки уларни тўламайдилар, қилинаётган ишлар сифатини ва ўз маблағларининг сарф-ланишини назорат қилмайдилар ва ҳоказо.

Кўп хонадонли уйларнинг техник ҳолати ўрганилганда шулар тасдиқланади. Масалан, уларнинг куз-қиш даврига тайёрлиги текширилганда. Қатор ширкатлар раҳбарлари бунга олдиндан тайёргарлик кўрмаганлар. Инспекция ходимлари иссиқ ва совуқ сув таъминоти тизимларининг техник ҳолати қониқарсиз эканлигини аниқладилар. Вентиллар ва задвухжалар фойдаланишга яроқсиз, ертўла сув билан тўла эди. Иссиқ ва совуқ сув таъминотига ноқонуний упаниш далиллари фош этилди.

Одатда фуқаролар ўз муаммоларини ХУМШнинг ёмон ишлаши билан боғлайдилар. Бироқ кўпича ўзлари ва қўшниларига ўзлари зиён етказадилар. Масалан, яхши иситилмаётганлигидан шикоят қиладилар, аслида уй аҳлининг ярми иситиш тизимини ноқонуний «ёпиб ташлаган» бўлади, бу эса унинг бутун уйдаги ишига салбий таъсир кўрсатади. Шахтада муаммолар юзага келади, қувурларга ўтиб бўлмайди, сабаби қўшни уйини евроташмирдан чиқарган, шахтага кириш йўлларини беркитиб ташлаган ва уни тиклашни истамаятган бўлиб чиқади.

Инспекция ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланган масалаларга аралашшига ҳақли эмас – бунга раис, бошқарув аъзоларини сайлаш, ишлар режаси, сметани ишлаб чиқиш, ойлик мажбурий бадал миқдорини тасдиқлаш ва бошқалар кирди. Бироқ унинг ходимлари томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришлари мумкин. Раис ёқмаяптими – уни қайта сайлаш мумкин. Бадаллар қаерга кетаётганини билмаяптими – раисдан ҳисобот беришни талаб қилишга ҳақлилар. Қандай ишлар режалаштирилгани ёки олиб борилаётганидан беҳабармилар – умумий йиғилишларда қатнашиш лозим. Кишилар уйлари батартиб бўлишидан манфаатдор бўлсалар, доим ташаббусни қўлларига олишлари мумкин.

Назорат ва жавобгарликни кучайтириш

– Бизда оммавий тус олган ноқонуний қурилишлар, КХУдаги турар ва нотурар жойлар режаларини ўзгартириш устидан назорат қилиш – жуда жиддий масала. Бу соҳани тартибга солишнинг иложи борми?

– Бундай қоидабузарликлар устидан назорат ва унинг учун жавобгарликни кучайтириш йўли билан бунга эришса бўлади. Булар кўп хонадонли уйларда яшаш хавфсизлигига тааллуқли жиддий муаммолардир. Турар жой конст-

рукциясига ўзбошимчалик билан ўзгартириш киритиш қонун ҳужжатлари билан таққилланган. Бунга рухсатнома бўлмаса, аҳоли фикрига қўра хонадон режасининг бирозгина ўзгартирилиши ҳам қоидабузарлик саналиб, хавфсиз яшаш учун таҳдид солади. Ахир биз сейсмик жиҳатдан хавфли минтақада яшаймиз. Техник норма ва қоидаларга риоя этмасдан киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар уй конструкциясининг мустаҳкамлигига раҳна солиб, авария ҳолати юзга келишига олиб келиши мумкин. Одамлар бу ҳақда ўйламайдилар. Таянч деворларни бузадилар, барча хоналарни биттага бирлаштирадилар, хонадонга кўчадан эшик очадилар, уйдаги умумий коммуникацияларни пешайвонга ўтказадилар, контурини ўзгартирадилар ва ҳоказо. Бунинг учун қатъий жавобгарлик ва назорат йўқ эди. Ушбу масала Инспекция ишининг муҳим компоненти ҳисобланади, бунда қатъий ёндашув зарур. Турар жойларнинг техник ҳолатини ўрганиш чоғида хонадон эгасида режани ўзгартиришга рухсатномаси бўлмаса, 15 кун ичида уни легаллаштириш учун тегишли ҳужжатларни олиш ёхуд хонани аввалги ҳолатига қайтариш ҳақида ёзма кўрсатма берилади.

Қўп хонадонли уйлардаги нотураж жойлар мулкдорлари билан ҳам худди шундай йўл тутилади. Улар кўпинча уйларга тақаб қандайдир хоналар соладилар, белгиланган нормалардан бир неча баробар катта соябонлар ўрнатадилар, объектлар қуриш учун ерларни ўзлаштириб оладилар. Қўп ҳолларда бунинг учун рухсатномалари бўлмайди. Махсус лойиҳасиз нотураж жой режасини ўзгартириш ҳам жуда хавфли. Бундай вазиятларни ўрганиш давомида БошАЛБ, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, «Тошлойиҳа» МЧЖ мутахассислари жалб этилади. Улар асосий хулоса тайёрлайдилар, унинг асосида далолатнома тузиладилар, нотураж жой мулкдорига қоидабузарликларни албатта бартараф этиш тўғрисида кўрсатма берадилар.

8 ой давомида Уй-жой инспекцияси томонидан бутун республикадаги 14 926 та қўп хонадонли уйларнинг техник ҳолати ўрганилди. 4 357 та ҳолатда хоналар ноқонуний қурилгани, 5 034 тасида турар ва нотураж жойлар режаси ўзбошимчалик билан ўзгартирилганлиги аниқланди. Мулкдорларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида мажбурий кўрсатмалар берилди. Бажарилмаган кўрсатмалар бўйича материаллар маъмурий чора кўриш учун судга, жиноят аломатлари аниқланганда эса прокуратурага топширилди.

Хонадон сотиб олган киши аввалги соҳиби уйнинг режасини ноқонуний ўзгартиргани сабабли муаммога йўлиқади, бунинг учун янги мулкдор ҳақ тўлашига тўғри келади. Демак, кадастр хизмати ходими нотариал идорага ҳақиқатда тўғри келмайдиган маълумотномани тақдим этган бўлади. Моҳиятан олганда, бундай ҳолатларда маълумотнома бер-

ган киши жавоб бериши зарур, бунинг учун жавобгарликни кучайтириш лозим. Бироқ янги мулкдор ҳам уй олишдан аввал эътиборли бўлиши: квартира режасини кадастр ҳужжатлари билан солиштириб кўргани маъқул. Барча ўзгартиришлар уларда қайд этилган бўлиши керак. Агар бундай бўлмаса, бу қоидабузарлик саналади.

– Инспекция қўп хонадонли уйлар мулкдорларининг капитал таъмирлаш учун жамғариладиган маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилади. Бунда қандай қоидабузарликларга тўқнаш келасиз?

– УҚХни ислоҳ қилиш доирасида мамлакатимизда 2017–2021 йилларда қўп хонадонли уй-жой фондиди таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури (24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон қарор билан тасдиқланган) амалга оширилмоқда. Уй-жой фонди инспекцияси турар жойлардаги умумий мол-мулкни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширишда белгиланган норма ва қоидаларга қандай риоя этилаётганлигини кузатади. Дастурга мувофиқ, ХУМШни молиялаштиришнинг асосий манбаи – банк кредитлари, уларни сўндириш манбаи эса уй-жой мулкдорларининг депозит счётларда жамғариладиган мажбурий бадаллари ҳисобланади. Бунда кредитлар ва мулкдорларнинг мажбурий бадаллар тарзидаги маблағларидан иложи борица тўлиқ ва мақсадли фойдаланилиши, таъмирлаш ишлари эса сифатли бажарилиши жуда муҳим. Кредит олишдан аввал тўғри тайёргарлик кўриш зарур. Аввал кредит олишга ХУМШ аъзоларининг розилигини олиш, буни умумий йиғилиш баённомаси билан тасдиқлаш лозим, ҳар доим ҳам шундай қилинмайди. Ширкат нуқсонлар далолатномасини тузиши шарт. Даромадлар ва харажатлар сметасини тўғри ҳисоблаб чиқиш ва тузиш, қарз маблағлари ўз вақтида қопланишини таъминловчи мажбурий бадал миқдорини аниқлаш даркор. Танлов асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари пудратчисини танлаш керак. 21 та ХУМШ фаолияти ўрганилганда 1 705,6 млн сўм миқдоридagi банк кредитлари, уй-жой мулкдорларининг капитал таъмирлаш учун жамғарилган маблағларидан мақсадсиз фойдаланилганлиги аниқланди. Қоидабузарликлар сирасига КХУни капитал таъмирлашда пудрат ташкилотлари қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини 905,4 млн сўмга ошириб кўрсатганини киритиш мумкин. Шундан 235,4 млн сўми ундириб олиниб, ХУМШнинг ҳисоб-китоб счётларида тикланди. Ўрганиш натижалари бўйича 38 та ҳолатда ҳуқуқбузарлик далиллари юзасидан материаллар прокуратурага топширилди.

– Суҳбатингиз учун миннатдорчилик билдираман.

Уй-жой инспекциясининг ишонч телефони 235-31-00.

Мавзуйи сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Вазир ўринбосарига учта савол



Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш арафасида Миллий матбуот марказида ХУМШ фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари Назиржон Назиров УКХ вазирлигининг ушбу йўналишдаги иш натижалари ҳақида сўзлаб берди, ОАВ вакиллари, шу жумладан махсус мухбиримизнинг саволларига жавоб берди.

Яқин орада мини-бадаллар жорий этилади

УКХ вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган уй-жойлар мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадалларнинг энг кам миқдорлари қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан кейин яқин орада амалда жорий этилади, – уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг ўринбосари Назиржон Назиров шу ҳақда хабар берди. – УКХ вазирлиги томонидан тайёрланган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг тегишли лойиҳаси Адлия вазирлигида кўриб чиқилмоқда.

Эслатиб ўтамоқчи, Президентнинг 24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон қарори билан УКХ вазирлигига ХУМШ аъзолари учун мажбурий бадалларнинг энг кам миқдорини ҳар йили тасдиқлаш вазифаси топширилган. Мамлакатимизда 2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури (24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон қарор билан тасдиқланган) амалга оширилмоқда. У асосан тижорат банкларининг кредитлари ва уй-жой мулкдорлари маблағлари ҳисобига бажарилмоқда. Шу сабабли капитал таъмирлаш харажатларига мувофиқ келадиган ва кредитлар ўз вақтида қайтарилишини таъминлайдиган реал бадални белгилаш муҳим.

Мини-бадаллар УКХ вазирлигининг 31.01.2018 йилдаги 34-сон буйруғи билан мажбурий чора сифатида амалга жорий этилган эди, 16.02.2018 йилдаги 54-сон буйруғи билан эса қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилгунга қадар уларнинг амал қилиши вақтинча тўхтатиб қўйилди. Айни пайтда ишлаб чиқилаётган «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси 2018 йил охирида Олий Мажлисга топширилади. Яқин орада мини-бадалларни жорий этиш муҳимлигини инобатга олган ҳолда УКХ вазирлиги амалдаги Қонунга тузатишлар киритиш юзасидан иш бошлади.



Ер участкалари ширкатларга қайтарилади

Бир неча йил аввал аксарият ширкатлар ер участкаларидан асоссиз равишда маҳрум этилган, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган уларни сақлаш мажбурияти зиммаларида қолган эди. Ер участкаларининг ХУМШга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилиши «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун, Ер кодекси, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда уларнинг чегаралари кадастр ҳужжатларида белгиланган бўлиши лозим. Бироқ аксарият ХУМШда ер участкалари чегаралари уйнинг девори бўйлаб ўтади. Яъни амалда ер йўқ бўлса ҳам, қонун ҳужжатлари бўйича уни сақлаш мажбурияти юклатилган.

ХУМШнинг ер участкаларидан асоссиз маҳрум қилиниши қатор жиддий муаммолар ва зиддиятларни келтириб чиқарган қонунбузарлик саналади. Бизда ер эгаси давлат

ҳисобланса, демак, у (ҳокимликлар ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармалари тимсолида) унинг сақланишини таъминлаши керак. Бироқ бундай қилинмайди. ХУМШ

аъзоларининг мажбурий бадали таркибида аслида уларга қарашли бўлмаган уй атрофидаги ҳудудни сақлаш ва ободонлаштириш харажатлари ҳам ҳисобга олинган. Моҳиятан олганда, бу мулкдорларнинг маблағларини ҳуқуққа эид равишда сарфлашдир. Бироқ уй атрофидаги ҳудудлар тозаланмаса, аҳоли норозилигининг чеки бўлмайди. Бундан ташқари, ширкатлар ихтиёрий-мажбурий тартибда ўзлари эгалик қилмайдиган ҳудудларни ободонлаштириш учун кредитлар олишга мажбур бўладилар. Тўғри, саранжом-саришта ва ободонлаштирилган ҳовлида яшаш истиқболига қарши ҳеч ким эътироз билдирмаса керак. Бироқ мажбурият бўлган жойда ҳуқуқлар ҳам белгиланиши даркор. Ушбу ҳудудларда ҳўжайинчилик қилиш ҳуқуқидан эса бошқалар фойдаланади. ХУМШни ер участкаларисиз қолдириш кимгадир фойда келтирганга ўхшайди.

Бу турар жой микрорайонларига ҳужум бошлаган ҳусусий қурувчиларга қўл келади. Ҳовлиларда ноқонуний равишда боғлар ва спорт майдончаларини бузадилар, дарахтларни кесадилар, кўп хонадонли уйлар ўртасида уларга тақаб объектлар қурадилар. Ер участкалари ширкатларга тегишли бўлганда, эҳтимол, бундай ҳолатга гувоҳ бўлмасмидик. Қурилиш кўпинча шахарсозлик талаблари, санитария норма ва қоидаларини бузган ҳолда олиб борилади. Бу аҳоли, қурувчилар, давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ўртасида норозилик ва жиддий ихтилофларга сабабчи бўлади.

– Ер участкалари ХУМШ фойдаланишига бериладими? Уй-жой инспекцияси турар жой даҳаларидаги ноқонуний қурилишлар устидан назорат қиладими?

– Ширкатларнинг ер участкаларига доир масала жуда жиддий. У айна пайтда ишлаб чиқиш босқичида турган янги таҳрирдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» ҳамда «Кўп хонадонли уйлардаги турар ва нотурар жойлар ҳамда умумий мол-мулкдан фойдаланиш, уларни сақлаш тартиби тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниши билан тартибга солинади, – дея хабар берди уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирни ўринбо-

сари Назиржон Назиров. – Уларда давлат кадастр ҳисоби маълумотлари асосида чегаралари белгиланадиган ер участкаларини ҳар бир ширкатга бириктириш назарда тутилган. Айна пайтда бу масала Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилмоқда. Турар жой даҳалари ҳудудидаги қурилишларга келсак, қурилиш учун техник шароит бўлмаганда, қонун ҳужжатлари бошқа тарзда бузилганда уй аҳли Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига мурожаат қилиб, тушунтириш олиш ҳуқуқига эга.

Сўнгги пайтда қабул қилинган ҳамда уй атрофидаги ҳудудларни сақлаш ва ободонлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларнинг формулировкаларида «уй атрофидаги ҳудуд», «уйга туташ ҳудуд», «ер участкаси» тушунчалари аралаштириб юборилганлигига янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг эътиборини қаратмоқчиман. Натижада улар нотўғри талқин қилинади. Аслида Ўзбекистон Республикаси шароитида аҳоли яшайдиган ҳудудларни сақлаш ва ободонлаштиришга доир санитария қоидалари ва нормалари (6.05.2016 йилдаги 0329-16-сон) билан амалдаги қонун ҳужжатларига таянган ҳолда ушбу тушунчаларга ойдинлик киритилиб, аниқ таъриф берилган:

уй атрофидаги ҳудуд – кўп хонадонли уй жойлашган, давлат кадастр ҳисоби маълумотлари асосида чегаралари белгиланган ер участкаси ёки кўп хонадонли уй жойлашган, техник паспортда кўрсатилган чегаралар режасига эга бўлган, таркибига майдончалар, боғлар, йўлчалар ҳамда мавзе ичидаги йўллар ва тор кўчалар кирадиган ер участкаси;

уйга туташ ҳудуд – асосий ҳудуд, қурилиш майдончаси, савдо объекти, жамоат транспортининг охириги тўхташ жойлари ҳамда мулкида, эгалигида, фойдаланишда бўлган, шунингдек ижара ҳуқуқидаги бошқа объектлар чегараларига бевосита ёндашган, эни 15 метрлик ёки майда чакана савдо тармоғи объектлари, кичик архитектура шаклидаги объектлар, алоҳида турувчи реклама конструкциялари асосий ҳудуди периметри бўйича эни 5 метрлик ҳудуд.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимаржон кўч., 1/1.

Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Лицензия бозорга «кириш чиптаси» сифатида

УКХ вазирлиги ташкил этилганда кўпчилик уй-жой соҳасида ишловчи хусусий бизнесни лицензиялаш масаласи ҳал этилишига умид қилган эди. Кадрларнинг мавжуд эмаслиги хусусий бошқарувчи компаниялар фаолиятидаги асосий муаммо саналади. Тошкент шаҳар ХУМШ уюшмаси БК аҳволини вақти-вақти билан мониторинг қилганда аксарият тижорат тузилмаларига маълумотсиз, шубҳали, уй-жой соҳасидан йироқ бўлган тасодифий кишилар: фаррошлар, сотувчилар, новвойлар, фельдшерлар раҳбарлик қилиши маълум бўлар эди.

Бунинг оқибатида хизматлар сифати паст бўлган, турли суиистеъмолчиликларга йўл қўйилган, аҳоли норозилик билдирган. Уй-жой соҳаси ходимлари УКХда ишловчи хусусий бизнес учун «кириш чиптаси» — лицензия масаласини бир неча бор кўтарганлар. Россия, бошқа мамлакатларда бу билан уй-жой инспекцияси шугулланади. Бизда УКХ вазирлиги ҳузурида фаолият юритувчи Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси хусусий БК фаолиятини назорат қилишга ҳақли. Бироқ унда аниқланган қонунбузарликлар лицензия мавжуд эмаслиги, тижорат тузилмалари устидан бошлангич назорат йўқлиги оқибатида юзага келган бўлади.



— Ҳозирча бошқарувчи компанияларни лицензиялаш масаласи кўрилмаяпти, — дея қайд этди уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари Назиржон Назиров. — Бугун уй-жой хизматлари бозорида, хусусий бизнесдан ташқари, «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ва «Ягона ҳисоб-китоб маркази» ДУК тимсолидаги давлат тузилмалари ҳам ишлай бошлади. Давлат-хусусий шерикчилиги шаклланимда, хусусий бизнес давлат тузилмалари билан муваффақиятли рақобатлаша олиши учун сифатни ошириши зарур. БКни лицензиялаш масаласи устида кейинчалик иш олиб борилади. Бунинг учун лицензия талаблари, мезонлари, таомилларини ишлаб чиқиш зарур.



Истеъмолчи эътиборига

23 та «нима учун» ёки эскича фикрлашга барҳам бериш вақти келди

Ижтимоий тармоқлар ҳаётнинг виртуал акси эканлигига қўшилсангиз, уй-жой соҳасидаги барча кўнгилсизликларда фақат ХУМШ раҳбарлари айбдор бўлиб чиқади. Бироқ фош этувчилар орасида ўзгача фикр билдирувчилар ҳам бор. Раҳбарларнинг ҳам уй-жойлар мулқдорларига эътироз ва саволлари етарли, улар жуда асосли. Фикрлаб кўришга арзирли айримларини тилга оламиз.



«Аксарият мулкдорлар уйларининг қай аҳволдалиги билан қизиқмаслиги ХУМШ раҳбарларининг эмас, фуқароларнинг муаммоси. **Нима учун** бадаллар иложи борица камроқ бўлишини, яхшиси — умуман тўламасликни, бироқ шу билан бирга уйда ишлар бажарилишини истайдилар? **Нима учун** қанча пул бўлса, шунча иш қилинишини тушунишни истамайдилар? **Нима учун** ишлар бажарилишини талаб қилиб, бадални ошириш ёки кредит олиш кераклигини эшитишни ҳам хоҳламайдилар? **Нима учун** ХУМШ раисларига душман сифатида қараш урфга кирган? Бизни ёмонлашни ҳамма билади. **Нима учун** беғам ва масъулиятсиз, уйнинг иситиш схемасини бузадиган, ҳовлини ахлат пакетлари билан тўлдирадиган, умумий мол-мулкнинг аҳволини ёмонлаштирадиган, йиллаб мажбурий тўловларни тўламайдиган, ХУМШ ходимларига кўполлик қиладиган, уларга бўҳтон қиладиган кўшнилари фош этмайсиз? **Нима учун** тўламайдиганлар инсофли кўшнлар ҳисобига яшайди? **Нима учун** қарздорлар вақтида пул тўлаганда ширкатда бадаллар камроқ тўланиши, ишлар кўпроқ бажарилиши мумкинлигини ўйламайсиз? **Нима учун** уй аҳли бунда суд қарорлари бажарилмаганлиги сабабли тўламайдиганларга деярли таъсир ўтказмайдиган ширкатни айблашади?

Нима учун мулкдорлардан ёрдам ҳам, миннатдорчилик ҳам кутиб бўлмайди? Ҳатто оддий «рахмат» деган сўзни эшитмайсан. Айтингни, нима учун оддий фуқаро ХУМШ раиси бўлгани заҳоти душманга айланади? **Нима учун** кўшичалардан биронтаси ширкатга кириб: «Қандай муаммолар бор, қандай ёрдам беришим мумкин?» деб сўрамайди? **Нима учун** уй аҳли ширкат раҳбарияти билан мулоқотда прокуратурага, ҳокимликка, порталга ва бошқаларга шикоят қилишини айтиб пўписа қилади? **Нима учун** йиғилишларда муайян саволларни ҳал этиш борасидаги гапга қўлоқ солмайдиган, бошқариб бўлмайдиган оломонга айланадилар? **Нима учун** ширкат ходимларининг орқасидан гапириб, тўғридан-тўғри ўзига, одобсизлик ва қўлоқлик қилмасдан муаммони айтмай-сизлар? **Нима учун** ҳеч ким пули қаярга сарфланаётганини тушунишни истамайди? **Нима учун** директор томда ёки ертўлада бўлса, уни топиб бўлмайди дейсиз? **Нима учун** хонасида ўтирса, у томда ёки ертўлада бўлиши керак деб айтасиз? ХУМШда пулнинг тағида қолиб кетиши мумкин деган гапни қаярдан олдингиз? **Нима учун** ХУМШдаги барча уйларнинг пули, сақлаш харажатлари қанчалиги билан ҳеч ким қизиқмайди? **Нима учун** ширкатлардаги ҳисобланган маблағларнинг энг яхши ҳолатда 30%дан 50%гача қисми депозит счётига, 30%и ходимларнинг иш ҳақида кетишини, қарздорлар туфайли уйга хизмат кўрсатишга арзимаган пул қолишини тушунишни истамайсиз? **Нима учун** ижтимоий тармоқларда ХУМШ раҳбарлари 3 қаватли қошоналарда яшаши, қимматбаҳо машиналарни бошқариши, Мальдив оролларида ҳордиқ чиқариши ҳақида ёзадилар? Бу ерда вақтида маош олганимизга хурсанд бўламиз. **Нима учун** раис ёки шўрчи директор тимсолида ҳақ-хуқуқи бўлмаган қўлни ёллаганимиз ёки сайлаганимиз, у тилимизга келган гапни индамай эшитиши керак деб ўйлайсиз? **Нима учун** ҳалол, инсофли раҳбарлар ХУМШда ишлашдан бош тортмишлари ҳақида ўйлаб кўрмайсиз? **Нима учун** бу соҳа манфаатларингиз ҳақида қайғурмайдиган, қўли эгри кишилар учун жозибали бўлиб бормоқда? Бунда сизнинг ҳам айбонгиз йўқми: бу бепарволигингиз, боқиманда кайфиятингиз, лоқайдлигингиз, сиз ва фарзандларингиз қандай ўйда яшашига бефарқлигингиз, машаъқ турмушингизни яхшилашни зиммасига олганларга ҳурматсизлигингиз оқибати эмасми? Ҳаммаси кўп жиҳатдан сизга боғлиқлиги, ниманидир ўзгартирмоқчи бўлсангиз, эскича фикрлашга барҳам бериш кераклиги ҳақида ўйлаб кўрмайсизми?».



Хориж тажрибасидан

Сув ҳисоблагичлари уй эгалари манипуляциясидан ҳимояланди

Россия шаҳарларида иссиқ сув ҳисоблагичларига уй эгалари манипуляцияларидан ҳимоялаш тизимларини ўрната бошладилар.

Ҳимоя магнитга таъсирчан индикаторли пломбадан иборат. Ҳисоблагични кучли магнит ёрдамида «айлантиришга» уринганларида пломба рангини ўзгартиради, киши наклеякани олиб ташламоқчи бўлса, ювиб ташлаб бўлмайдиган из қолади. Пломбани шикастлаганлик учун истеъмолчига жарима солинади – коммунал хизматлар учун тарифдагига қараганда 10 баравар кўп ҳақ тўлашига тўғри келади.

Бироқ, пломбаларнинг камчилиги ҳам бор – уларни қўл-

да текшириш зарур. Кўп уйлардаги ҳисоблагичлар хонадон ичида жойлашган, текширувчиларни киритмаганлик учун эса жавобгарлик белгиланган. Бироқ жазо чоралари яна кўриб чиқилади. Мисол учун, Белгородда ҳисоблагични текширишга икки марта қўймаганлик учун иссиқ сув истеъмоли қиймати 50% қимматроқ ҳисобланади.

Интернет тармоғи материаллари асосида.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



Ким ҳимоя қилади

Корхонамиз товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган эди.

Монополияга қарши органга бизни реестрдан чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилдик (Низом, ВМнинг 20.08.2013 йилдаги 230-сон қарорига 1-илова). Бироқ бизга рад жавоби бердилар. Шундан сўнг хўжалик судига мурожаат қилдик, бироқ низо ушбу суд ваколатига тегишли эмаслиги сабабли иш тўхтатилди.

Низомда монополияга қарши органнинг хўжалик юритувчи субъектнинг реестрдан чиқаришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқи белгиланмаганлигини ҳисобга олиб, қайси органга ва қандай тартибда унинг устидан шикоят қилиш мумкинлигини тушунтириб берсангиз.

А.Лигай.

— Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг (монополияга қарши органнинг) қарори устидан маъмурий судга шикоят қилиш мумкин.

Монополияга қарши органнинг қарори устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки судга шикоят қилиш мумкин («Рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддаси).

Бу ҳолда тегишли ариза (шикоят) билан маъмурий судга мурожаат қилиш зарур.

Маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир. Бундан Конституциявий судга, фуқаро-



лик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно (Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26, 27-моддалари).

Аризани (шикоятни) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган маъмурий орган жойлашган ер ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи бўйича туман (шаҳар) маъмурий судига тақдим этиш лозим (МЖТКнинг 28, 32-моддалари).

Сабоҳат Султонова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Фуқаролиги бўлмаган шахсни ишга жойлаштириш

Фуқаролиги бўлмаган шахс ЎзРда яшаш гувоҳномаси ва Тошкентда вақтинча пропискага эга. 2007 йилдан буён Ўзбекистонда яшайди.

Мазкур шахс хорижий фуқаро деб ҳисобланадими?

Иш берувчи уни ишга олиши учун хорижий ишчи кучини жалб этишга рухсатнома расмийлаштириши керакми? Мазкур шахс учун рухсатнома зарурми?

Бундай ҳодимни қабул қилаётганда солиқ инспекциясига қандай маълумотларни тақдим этиш лозим?

К.Рогачёва, бош бухгалтер.

— Ўзбекистонда яшаш гувоҳномасига эга фуқаролиги бўлмаган шахс умумий асосларда (Меҳнат кодексига мувофиқ) ишга қабул қилинади. Ҳеч қандай рухсатнома олиш керак эмас.

Ўзбекистон ҳудудига яшаб тургани ҳолда ЎзР фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар деб ҳисобланади («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси).

ЖК Махсус қисмининг 8-бўлимига мувофиқ: чет эл фуқароси — бирон бир чет эл давлат фуқаросининг юридик мақомига эга бўлган шахс;

фуқаролиги бўлмаган шахс — бирон бир давлатнинг фуқароси юридик мақомига эга бўлмаган жисмоний шахс.

Яшаш гувоҳномаси Ўзбекистонда доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Хорижий шахслар учун яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга берилади, аммо хорижий давлат паспортининг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак, 60 ёшга тўлганда эса — хорижий давлат паспорти амал қиладиган бутун муддатга берилади. Фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга, 60 ёшга тўлганда эса муддатсиз берилади (Низомнинг 2, 17-бандлари, 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон Фармонга 2-илова).

Унга фуқаролиги бўлмаган шахс сифатида яшаш

гувоҳномаси берилган бўлса, тегишинча, чет эл фуқароси ҳисобланмайди. Бинобарин, ходим ва иш берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 19.10.1995 йилдаги 408-сон қарорига 2-илова) ҳамда мазкур Низомни қўллаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (АВ томонидан 20.11.1996 йилда 285-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талаблари татбиқ этилмайди.

Баён этилганлардан келиб чиқилса, Меҳнат кодексига мувофиқ (11, 14-моддалар) Ўзбекистонда яшаш гувоҳномасига эга фуқаролиги бўлмаган шахс билан умумий асосларда меҳнат шартномаси тузилади ва у ишга қабул қилинади. Ҳеч қандай рухсатнома талаб этилмайди.

ЎзР ҳудудига меҳнат шартномаларига мувофиқ ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича фаолиятни амалга ошираётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларига ягона ижтимоий тўлов умумбелгиланган тартибда ҳисобланади ва тўланади (Солиқ кодексининг 306-моддаси; МВ ва ДСҚнинг 2.04.2008 йилдаги ЁТ/04-01-32-14/280-сон ва 15/1-3518-сон тушунтиришининг 1-банди).

Зебо Кўйлиева,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Иш ҳужжатларини муқовалаш.
Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Кўкаламзорлаштириш, экиш, дизайн. Қўчатлар: барги тўқиладиган, инабаргли, мевали. Тўлов исталган усулда. Тел.: (+998 90) 317-33-45, факс (+998 71) 262-48-16.

Фирмамиз (МЧЖ, ИФУТ коди — 56100) ресторан фаолиятини юритади ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш хизматларини кўрсатади.

Артистлар ресторанимизда аҳоли учун ижодий кеча уюштироқчилар, унга чипталарни сотмоқчимиз, бунда умумий овқатла-ниш хизматлари кўрсатилмайд.

1. Бундай хизмат қандай фаолият турига киради?

2. Ушбу фаолият лицензияланиши керакми?

Г.Аюпова, бош бухгалтер.

Кечки овқатсиз концерт

— Корхона фақат чипталарни сотса, у ижодий кечага чипталарни сотишда агент (воситачи) бўлиб чиқади. Концерт-томоша фаолиятига лицензия олиш керак эмас.



Театр-томоша муассасаси деб театр, концерт, цирк, ракс ва бошқа томоша тадбирларини уюштириш, ўтказиш билан шуғулланувчи юридик шахс ҳисобланади.

Тадбирлар — томошаларнинг шакл ва жанрларидан қатъи назар, чипталар сотиладиган концертлар, спектакллар, театр учрашувлари, театрлаштирилган, цирк томошалари, ижодий учрашувлар, турли шоу-дастурлар, фестиваллар, бошқа маданий-оммавий ва томоша тадбирлари.

Чипта хўжалиги — чипта ва абонементларни тайёрлаш, қабул қилиш ва сотиш, сотилмаган чипталарни йўқ қилиш, чипта ва абонементлар ҳисобини юритиш ва инвентаризация қилиш, шунингдек улар бўйича ҳисобот ва назорат билан боғлиқ хўжалик операциялари ва тартиб-таомиллар мажмуи (АВ томонидан 23.06.2004 йилда 1376-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-банди).

Театр-томоша муассасаси ёки тадбирларни уюштирувчи (ўтказувчи) бошқа шахс шартнома асосида бошқа жисмоний ёки юридик шахслар (тарқатувчилар) орқали чипта ва абонементларни тарқатишга (сотишга) ҳақли (Низомнинг 25-банди).

Шу тариқа, корхонанинг ўзи ижодий кеча ўтказилишини ташкил этса, чипталар* тайёрласа ва уларни сотса, у театр-томоша муассасаси сифатида чиқади.

Агар фақат чипталарни сотиш ҳақида сўз бораётган бўлса, корхона ижодий кечага чипталарни сотишда агент (воситачи) бўлиб чиқади. Тегишинча, кўрсатилган фаолият воситачилик фаолияти деб тан олинади.

Бошқа вариант ҳам бор. Тадбир ташкилотчиси бўлмай, шартнома бўйича артистларга бинони ижарага беришигиз мумкин.

Театр-томоша фаолиятига лицензия фақат иж-рочилар — жисмоний шахслар ва ижодий жамоалар — юридик шахсларга берилади (Низомнинг 3-банди, ВМнинг 9.12.2015 йилдаги 354-сон қарорига 1-илова). Театр-томоша муассасасининг лицензия олиши керак эмас.

Александр Лобанов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

*Чипталар қатъий ҳисобот ҳужжати ҳисобланади.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техника-ни ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Бюджетдагилар учун электр ҳақи

Бюджет ташкилотлари учун 2018 йил 1 апрелдан электр энергияси ҳақи оширилдими?

М.Холжўаев, бош иқтисодчи.

«— 2018 йил 1 апрелдан электр энергияси тарифлари оширилди (ВМнинг 14.11.2017 йилдаги 913-сон қарорининг 1-банди «в» кичик банди). Улар Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (14.03.2018 йилдаги 19-03-22-06-ЎЗР-6-2018-сон реестр).

Электр энергияси тарифларининг янги реестри амалга киритилиши билан 29.06.2017 йилдаги 19-03-22-06-ЎЗР-29-2017-сон реестр ўз кучини йўқотади.

Чунончи, уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган, электр энергияси учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар биринчи гуруҳдаги истеъмолчилар жумласига киритилган, сарфланган энергиянинг 1 кВт/с учун 228,6 сўм тўлайдиган бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно.

Иккинчи гуруҳдаги истеъмолчилар жумласига бир ставкали тариф бўйича электр энергияси ҳақини тўлайдиган истеъмолчилар киради, сарфланган энергиянинг 1 кВт/с учун 228,6 сўм тўлайдиган маиший истеъмолчилар бундан мустасно.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилмайдиган қолган барча истеъмолчилар электр энергияси учун бир ставкали тариф бўйича ҳақ тўлайдилар (Қоидаларнинг 8-боби 1-параграфи, ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарорига 1-илова).



Баён этилганларни эътиборга олиб, Қоидаларда белгиланган тўлов хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бюджет ташкилотлари учун электр энергияси ҳақи 2018 йил 1 апрелдан ўзгарган ва 228,6 сўмни ташкил этади.

Александр Лобанов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Бюро электр ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ҳар ой олишни режалаштирмоқда

ҚҲТБТ порталида Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига (ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарорига 1-илова) киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойиҳаси эълон қилинган.

Тузатишларга биноан Мажбурий ижро бюроси истеъмолчи билан биргаликда ҳар ой ҳисобга олиш приборларидан кўрсатмалар олиши тартибини татиқ этиш таклиф қилинмоқда. Бу электр энергияси истеъмолининг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш ва зарурат туғилганда ҳисобга олиш приборларининг улаши схемаларини текшириш учун зарур.

Маиший истеъмолчилар ва истеъмолчи — юридик шахслар учун намунавий шартномалар Қоидалардан чиқариб ташланади. Янги шартномаларни «Ўзбекэнерго» АЖ ишлаб чиқади, «Ўздавэнегронзорат» инспекцияси кейинчалик ҳуқуқий экспертизадан ўтказган ҳолда тасдиқлайди.

Бундан ташқари, маиший истеъмолчиларда барча замонавий электрон ҳисобга олиш приборлари ҳудудий электр тармоқлари корхоналари (ХЭТК) маблағлари ҳисобига сотиб олинади, ўрнатилади, рўйхатдан ўтказилади, даврий давлат қиёсловидан ўтказилади ва пломбланади. Бу мавжуд (шу жумладан индукцион) ҳисоблагичларга ҳам тааллуқли. Илгари фақат Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уландиган махсус электрон ҳисоблагичлар бепул ўрнатиладиган.

Шу билан бирга тўлов ҳужжатида хатолик ёки ҳисоблагич кўрсаткичларида ноаниқлик борлиги аниқланганда, ХЭТК Бюро билан биргаликда ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текширади ҳамда ҳисобга олиш приборини кўздан кечиради (зарурат туғилганда). Ушбу тартиб амалиётда қўлланилаётир.

Шунингдек электр энергиясидан реклама, чироқлар билан безатиш, бино ва иншоотларни ёритиш учун фойдаланишга ХЭТКдан рухсат олиш тартиби бекор қилинади. Бундан ташқари, электр энергиясидан технологик мақсадда иситиш, тижорат мақсадида овқат тайёрлаш, шунингдек хоналарни иситиш

ва иссиқ сув таъминоти мақсадида фойдаланишга «Ўздавэнегронзорат» инспекциясининг розилигини олиш учун техник-иқтисодий асослар тақдим этишга тўғри келмайди.

Кўп хонадонли уй-жойлардаги хонадонларда ва шахсий уй-жойларнинг ичидаги иморатларда ўрнатиладиган ҳисобга олиш приборлари бут ва яхлит сақланиши учун жавобгарлик истеъмолчи зиммасига юклатилиши ҳақида аниқлик киритирилди. Ҳақиқатда бу ҳисоблагичларни уй ичига ўрнатишга рухсат берилишини аниқлатади.

Истеъмолчининг айби билан ҳисобга олиш приборининг хотира блоки ва дастурлаштирилишига кириш туғмасига (бўлмасига) ташқаридан таъсир кўрсатилган бўлса, бу электр тармоқларидан узиб қўйишга олиб келади. Бунда ҳисобга олиш приборлари охириги марта алмаштирилган ёки уларнинг улашиш схемалари қиёсловдан ўтказилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан (3 йил) ортиқ бўлмаган муддат учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилади.



НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

Реактив энергия истеъмоли учун устама миқдори иқтисодий қийматнинг амалдаги миқдоридан келиб чиқиб аниқланади. Ҳозир устама миқдори (қиймат доирасида — ҚҚСсиз актив энергия учун тарифдан 5%, қиймат миқдоридан ортиқ — 10%) шартномада белгиланган иқтисодий қийматга боғлиқ. Келгусида ҳисобот даври якунлангач, истеъмол қилинган актив энергия миқдори таъсир кўрсатадиган амалдаги миқдор аниқланади.

Катта ва кичик юкламали соатлар бир соат олдинга қўйирилади. Катта юкламали соатлар 6:00 дан 22:00 гача, кичик юкламали соатлар эса — 22:00 дан 6:00 гача этиб белгиланади. Эслатиб ўтаимиз, чегирмалар (ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда тарифнинг 15%) истеъмолчи ушбу катта юкламали соатларда реактив энергия генерация қилиши ва уни кичик юкламали соатларда истеъмол қилишига боғлиқ.

Овқат тайёрлаш учун марказлаштирилган тарзда электр плиталар билан жиҳозланган кўп хонадонли уй-жойларда ва ётоқхоналарда яшайдиган маиший истеъмолчилар фойдаланадиган электр энергияси ҳақини қуйидагича тўлаш таклиф этилмоқда. Қуйидаги миқдорда истеъмол қилганда:

➤ ҳисобот даврида (бир ойда) соатига 300 кВт доирасида — мазкур тариф гуруҳи амалдаги тарифининг 50%и миқдорида;

➤ худди шу даврда соатига 300 кВт дан ортиқ бўлса — кўрсатилган нормадан ошувчи ҳар кВт соат учун мазкур тариф гуруҳи амалдаги тарифининг 100%и миқдорида.

Ҳозир имтиёзли истеъмол лимити белгиланмаган ва истеъмолчилар 50% тўламоқдалар.

I ва II тариф гуруҳлари истеъмолчиларига IV тариф гуруҳи бўйича технологик мақсадда электр энергияси ҳақини тўлаш тақиқланади. Бироқ улар биноларни иситиш, иссиқ сув таъминоти ва овқат тайёрлаш учун электр энергиясига аввалгидек IV тариф гуруҳи бўйича тўлашлари мумкин бўлади.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Самир Латипов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газетаси

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚҮРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета ношир — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 186. Кўча бағичи — А3. Ҳаром — 2 босма тибқ. Басоси келтирилган нарҳда.
Буортма 231. Адади 875. Газета 2018 йил 7 май соат 15.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
буйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича — 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
мууроаат қилиш мумкин.